

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ – ЖАМИЯТ ХАЁТИНИНГ БОШ БЎҒИНИ СИФАТИДА

Абдурахмонова М.М. – и.ф.н-доцент
“Ижтимоий иш” кафедраси мудири, ФарДУ
Тургунбоев А.Ф. – Магистрант, ФарДУ

АННОТАЦИЯ

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг барқарорликка эришиши ундаги ижтимоий синфларнинг ўзаро ҳамкорлигига, маънавий етуқлигига ҳусусан, таълим тизимига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Таълим тизими жамиятнинг юксак тараққиётини таъминловчи куч сифатида ижтимоий муносабатларни ўрнатилишга, ўзаро мувофиқлигини таминлашга ва ундаги муаммоларни ҳал этишининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

***Калит сўзлар:** Тарбия, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастури”.*

ABSTRACT

It is known that the stability of any society directly depends on the mutual cooperation of its social classes, moral maturity, especially the education system. The educational system, as a force that ensures the high development of society, serves as the main factor in establishing social relations, ensuring mutual compatibility and solving problems in it.

***Key words:** Education, Law "On Education", "National Program of Personnel Training".*

КИРИШ

Таъкидлаш жоизки, Республикамизда миллий таълим тизимини шакллантиришда биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари остида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастури” ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастурлари ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Бу соҳада олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам келажагимиз пойдевори ҳисобланувчи, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом авлодни шакллантиришдан иборат бўлган таълим тизимини яратишдан иборат эди.

Мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб соҳада амалга оширилган кескин ўзгаришлар шунингдек, таълим тизимига доир қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши, тизимидаги янгича йўналишлар, янгича тажрибаларни пайдо бўлишига олиб келди. Ривожланган давлатлардан

эксперт ва мутахассисларнинг жалб қилиш натижасида миллий таълим тизими бойитилди, тажрибалар ортирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги №422-сонли қарори бу борада янгича ёндашув бўлди десак асло муболаға бўлмайди. Зеро ушбу қарорга кўра ўқувчи ёшларни онгига умуминсоний кадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар ва амалий натижаларнинг кенг кўламлилигига, тажрибаларнинг ортиб боришига қарамай, соҳада бир қатор камчиликлар ва бўшлиқлар пайдо бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, кўп йиллар давомида умумтаълим мактабларида ўқитувчиларнинг сифат таркиби эътиборсиз қолдирилганлиги оқибатида ўқувчиларнинг таълим олишлари ва айниқса, тарбия олишларида сезиларли камчиликлар намоён бўлди. Бундан ташқари, педагог ходимларнинг оммавий ва маданий тадбирларга кенг жалб қилиниши, кўшимча дарслар ва тўғарак машғулотларининг самарасизлиги ва бошқа ҳолатларни мисол тариқасида кўришимиз мумкин.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқимизга йўллаган мурожаатномасига асосан 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлиги йили” деб эълон қилиниши юртимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва янгича ёндашувлар асосида қайта ташкил қилиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди. Эндиликда таълим соҳасини ривожлантиришнинг бир қанча вазифалари белгиланган бўлиб, замонавий технологияларни жорий қилиш, тезкор ахборот алмашинувига мос бўлган тизимни яратиш бўйича аниқ таклифлар берилди. Шу мақсадда “**Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим тарбия тизимидан бошланади**” деган ғоя асосида кенг ислохотлар амалга оширилиши белгиланди.

Мазкур ғоянинг юзага келиши бежиз эмас албатта. Мурожаатда таъкидланганидек, мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислохотлар жадаллик билан давом эттирилиши белгилаб қўйилди. Келгуси йили 30 та янги

мактаб қуриш, 320 та мактабни қайта таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш борасида аниқ режалар тузилди. “Электрон таълим” тизимини жорий этиш бўйича илк лойиҳалар ишлаб чиқилди. Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштирилиши белгиланди. Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун мақсадида болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилиши белгиланди.

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши белгиланди. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланади. Болаларимизнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида “касбга ўргатиш тизими” жорий этилади¹.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, мактабга энди қадам қўйган ҳар бир ўқувчига мактаб жамоаси унинг жамиятга қўшилишдаги дастлабки поғона бўлиб саналади. Бу эса ўз навбатида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқитувчи билан алоҳида (индивидуал) шуғулланиши эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бу ҳолатда ўқитувчилар етарлича касб маҳоратига, мустаҳкам сабрга эга бўлиши лозимдир. Фақат яхши ташкил этилган фаолият жараёнидагина болаларда тўлақонли ақлий ривожланиш, тарбия маданиятини юксалишига олиб келади. Синфларда ўқувчиларнинг сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этиши эса бу борада сезиларли даражада тўсиқларни келтириб чиқармоқда.

Тажрибалар мисолида кўрадиган бўлсак, бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаш катта ёшдаги ўқувчилар билан ишлашга нисбатан фарқ қилади. Масалан: бошланғич синф ёшидаги болаларда кўпроқ ёдлаш ва билим олишга лаёқати кучли бўлади. 5-9 синф ўқувчиларида эса бу ҳолат, олинган билимларни амалда тадбиқ этиш бўйича кўникма ва малакалари кўпроқ ривожланади. Шу сабабли бошланғич синфларда янги терминларни ўқувчилар эслаб қолишлари учун иложи борица кўпроқ берилади. Болаларнинг ёдлаб қолиш қобилиятлари камайган ёшга етганида эса, яъни юқори синфларда олинган барча билимларни тадбиқ этиш ва фойдаланиш кўникма ва малакаларини оширишга эътиборни кўпроқ қаратиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. Т.:2020 йил 29 декабрь.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда билим олишга қизиқишларни таркиб топиши айнан тўғри ташкил этилган ўқув жараёнига узвий боғлиқдир. Ўқиш иштиёқи, мувоффақиятга эришиш боланинг ўқитувчига бўлган ижобий муносабати билан белгиланади. Таълим жараёнида катталарнинг эътибори, ёрдами боланинг ўзига нисбатан ишончини ортишига олиб келиш билан бир қаторда уларни мавжуд қийинчиликларни енгиш ва фаол ҳаракат қилишларига туртки беради. Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда мавжуд муаммолар ва камчиликларни олдини олишда қуйидаги таклифларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Биринчидан, таълим тизимида, хусусан бошланғич синф ўқитувчиларини фаолиятига эътибор қаратиш зарур. Уларнинг ҳаққоний касб эгаларини танлаш ва саралаш талаб этилади. Зеро, болаларни илк мактаб давридан китобга қизиқишини уйғотиш, таълим олиш маданиятини шакллантиришда айнан бошланғич синф ўқитувчиларнинг ҳиссаси каттадир.

Иккинчидан, Бошланғич таълим ўқувчилари билан ишлашда ўқитувчиларнинг шахсий характери ва қизиқишлари, билим ва малакасини синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, ота-оналар ўртасида аниқ белгиланган йўналишлар доирасида сўровномалар ўтказиш орқали ўқитувчиларнинг фаолиятига аниқ ва ҳаққоний баҳо бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар қандай мониторинг ёки текширувлар натижаси билан бир қаторда ота-оналарнинг ўқитувчига берган баҳоси адолатли ҳисобланади.

Тўртинчидан, бугунги кунда ахборот технологиялари соҳасининг ривожланиши ҳар қандай жамият ҳаётига таъсир ўтказиб келаётганлигини ҳисобга олган ҳолда бошланғич таълим ўқитувчилари ва ўқувчилари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Ижтимоий тармоқлар орқали наъмунали ўқувчиларни фаолиятини таништириш, ўзаро касб маҳоратига асосланган гуруҳлар ташкил қилиш ва мулоқотнинг замонавий шаклини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, кичик мактаб ёши даври шахс шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур даврнинг характерли белгилари шундан иборатки, бунда шахс сифатлари, характер хислатлари, билишга қизиқиш, шахслараро муносабатларнинг таркиб топишига таянч нуқта вазифасини ўтайди. Бу борада болани ортиқча жисмоний зўриқишсиз ўқишга, диққат-

этиборли бўлишга ўргатиб бориш лозим. Бунинг учун оилада ҳам, мактабда ҳам бола билан олиб бориладиган таълим жараёнининг имкон қадар қизиқарли бўлишига эришиш лозим².

Таъкидлаш лозимки, ўқитишнинг замонавий ёндашувга ўтилишида таълим жараёнига янгиликларни олиб кириши ва жорий этиши билан бугунги кун ўқитувчисининг вазифасига айланди. Ўқитувчининг изланиши, бугунги кун талаблари асосида ўз-ўзини тарбиялаши, ўз устида тинимсиз изланиши, замонавий педагогик технологияларни мукамал ўзлаштириши ва уларни таълим жараёнида қўллаши таълим самарадорлигини оширади. Соғлом фарзанд, баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги эзгу вазифалар ҳеч қачон ҳудуд ва вақт нуқтаи назаридан чегара билмайди. Бу таълим ва тарбияга оид амалий ишларимиз мунтазамлик касб этиши, эртанги авлод – келажагимиз эгаларини ҳар тарафлама етук шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ёш авлод тарбияси, уларнинг жаҳон андозаларига мос равишда таълим олиши ҳукуматимиз сиёсатининг узвий бўлаги, нурафшон эртаминли таъминловчи асосий омилдир.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. Т.:2020 йил 29 декабрь.
2. Абдурахмонова, М. М. (2020). Ижтимоий иш касбий фаолиятининг мактабга йўналтирилган соҳасини ривожланишида жаҳон амалиёти тажрибалари. Журнал Социальных Исследований, 3(6).
3. Абдурахмонова, М. М. (2021). НЕОБХОДИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ ДЛЯ ПРИНЯТИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ РЕШЕНИЙ В ШКОЛЕ. Человек. Наука. Социум, (1), 33-46.
4. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. Ученый XXI века
5. Абдурахмонова, М. М., & Мирзажонов, Ж. (2020). Роль конституции в построении правового государства и гражданского общества. Теория и практика современной науки, (3)
6. Абдурахмонова, М. М., & Содикова, Д. Ш. (2020). EFFICIENCY OF MANAGEMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN THE PREPARATION OF QUALIFIED PERSONNEL. Человек. Наука. Социум, (2)

² Замонавий таълим. Илмий-амалий оммабоп журнал. Т.:2016 йил, №1,8-бет.

7. Абдурахмонова, М. М. (2021). МАКТАБЛАРДА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ. Журнал Социальных Исследований, (SPECIAL ISSUE 1).
8. Абдурахмонова, М. М., & Орипов, А. (2019). Основные направления и приоритеты научной актуализации информационной парадигмы гражданского общества. Мировая наука, (12)
9. Абдурахмонова, М. М. (2021). ТЕОРИИ МЕЖСЕКТОРАЛЬНЫХ ПОДХОДОВ К ЗАЩИТЕ ДЕТЕЙ. Человек. Наука. Социум, (2), 62-74.
10. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). UZBEK MODEL OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT. Учёный XXI века, (3-4 (16))
11. Madaliyeva, F., & Abdurakhmonova, M. (2021). О 'ZBEKISTONDA MAKTAB BITIRUVCHI O 'QUVCHILARINI KASB-HUNAR BILAN TA'MINLASHDA IJTIMOIY ISH AMALIYOTI. Студенческий вестник
12. Abdurakhmonova, M., & A'zamova, Z. (2021). O'ZBEKISTONDA PENSIYA TA'MINOTI TIZIMINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM JIHATLARI. Интернаука, (7-2)
13. Sharipova, K., & Abdurakhmonova, M. (2021). О 'ZBEKISTON MAKTABLARIDA MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHISI BO 'LGAN O 'QUVCHILAR BILAN IJTIMOIY ISH AMALIYOTI ISTIQBOLLARI. Студенческий вестник, (8-3)
14. Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). ROLE OF ETHICAL CULTURE IN PREVENTING VIOLENCE AMONG SPUPILS. Интернаука, (11-2)
15. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. (2020). Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. Chief Editor
16. Abdurakhmonova, M. M. ugli Mirzayev, MA, Karimov, UU, & Karimova, GY (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(03)
17. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. Chief Editor.
18. Abdurakhmonova, M. (2020). World practical experience of developing a school-oriented sphere of professional activity of social work. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems, 12(6)
19. Замонавий таълим. Илмий-амалий оммабоп журнал. Т;2016 йил, №1,8-бет.